

# Фикҳ дарслари (116-дарс). Маҳси ва тахтакачга масҳ тортиш ва синдирувчилари (биринчи мақола)



13:00 / 24.12.2020 5764

وَهُوَ - هُضْرَفَو. لِسُغْلَا هَيْلَعَنْمَ نَوْدَثْ دُخْمَلَلْ زِيَّاجِ نِيْفُخْلَا يَلَعُ حُسْمَلَا  
قِاسَلَا لَفَسَا يِفِ دِيْلَا عِبَا صَاةً اَلْثَرَا دُقْم - طُوْطُخ

رَفَسَلَا وَبُنْ كُمِي وَبَعْ كَلَا رُتْسَيَا اَمَلْ كَو نِيْقُوْمُرُجْلَا يَلَعُ زُوْحَيَا

رِيْبَجْلَا يِفِ اَلْ يَثَدَخْلَا تَقُوْمَاتِ رُهُطَا يَلَعُ نِيْسُوْبَلَمَ اَمُهُنْوَكَ طَرُشَو  
يَغْرَبُ نَعِ اَلْ اَهْطُوْقُسَبَسَا بَا اَلْ

رِيْلِيْلَو مُوِي مِيْقُمَلَلْ هَتْدُمَو. يَهْ اَلْ اَلْ جِرْلَا رِيْعُ رَتَا سَحْسُمِي اَلْ  
يَثَدَخْلَا تَقُوْمَاتِ نَمُةً اَلْثَرَا رَفَا سُمَلَلْ

Махсига масх тортиш кичик бетаҳорат кишига жоиздир. Фусл вожиб бўлган одамга эмас. Унинг фарзи болдирдан пастга қўлнинг уч бармоғи миқдорида чизиқ тортишдир. Уни икки чориққа ва тўпиқни тўсувчи ҳамда сафар қилишга ярайдиган нарсага тортиш жоиздир. Бунда бетаҳоратлик етишидан аввал иккиси тўлиқ таҳорат ила кийилган бўлиши шарт.

Бу шарт тахтакачга қўйилмайди. Тахтакач тушиб кетса, ҳечқиси йўқ. Аммо тузалиб тушса, бундан мустасно. Оёқни тўсиб турувчи нарсадан бошқа фақат тахтакачгагина масх тортилади. Масхнинг муддати бетаҳоратлик етганидан бошлаб муқимга бир кечаю бир кундуз. Мусофирга уч кечаю уч кундуз.

Махсига тортилган масхнинг синдирувчилари

قاسل لىل بىق غ ل ر ت ك ا ج و ر ح و ء د م ل ا ي ص م و ء و ض و ل ا ص ق ا ن ء و ض ق ا ن و  
ه ن م و ذ ب ي ق ر ح ء غ ن م ي و . ط ق ف ه ي ل ج ر ل س غ ب ج ي ن ي ر م ا ل ا ن ي د ه د ح ا ذ ع ب و  
ن ي ف خ ا ل ف خ ق و ر ح ء م ح ي و . ا ه ر غ ص ا ل ج ر ل ا ع ب ا ص ا ت ا ل ت ر ذ ق .

ا م ه ذ ع ب و . ر ي ح ا ل ا ر ب ت غ ي ه ل ي ل و م و ي ل ب ق ه س ك ع و م ي ق م ل ا ر ف س ي ف و  
ع ز ن ي .

Унинг синдирувчиси:

1. Таҳоратни синдирувчи нарсалар;
2. Муддатнинг чиқиши;
3. Товоннинг кўпи қўнжигача чиқишидир. Икки(иккинчи ва учинчи) нарсадан кейин фақат икки оёқни ювиш вожиб бўлади.

Масхни пойабзалдан оёқнинг кичкина бармоқларидан учтаси кўринадиган миқдордаги йиртиқ ман қилади. Бир пой махсидаги йиртиқлар жамланади, икки пойиники эмас.

Бир кеча-кундуздан аввал муқим сафар қилганда ёки аксинча (мусофир муқим) бўлганда, охиргиси эътиборга олинади. Бу икки ҳолатдан кейин ечилади.

Махси – маълум ва машҳур оёқ кийими. У оёқни тўпиғидан юқорисигача яхшилаб беркитиб туради. Совуқдан ва турли нопокликлардан сақлайди.

«Махси» деб номланмаса ҳам, унинг мазкур сифатларига эга бўлган оёқ кийимлари махси ҳукмида бўлади.

Ҳар таҳоратда бу оёқ кийимни ечиб, оёқни ювиш машаққат туғдиргани учун, тўлиқ таҳорат билан кийилган махси унинг ичидаги оёқни пок сақлашини эътиборга олиб, шариатимизда махсига масҳ тортишга рухсат берилган.

Лекин баъзи кишилар бу рухсатни тўғри тушунмаганлар. Улар: «Бир вақтлар махсига масҳ тортиш бўлган, аммо Моида сурасидаги таҳорат ҳақидаги оят тушиб, «оёқларингизни тўпиқлари ила ювинглар», деган буйруқ келганидан кейин махсига масҳ тортиш ботил бўлган», дейишади.

Бу нотўғри гап. Ҳамма асл ҳадис китобларида ривоят қилинган машҳур ҳадисда келишича:

سَلَعِ حَسَمَ وَأَصَوْتٌ مُثْرِي رَجَلِ ابْنِ لِقَامٍ مَّامَهُ نَعْمَ يَهَارِبُ نَعْمَ شَمْعُ أَلِ نَعْمَ  
مُثْرِي ابْنِ لِقَامٍ وَسُرُّتِي أَرْمَعَنَ لِقَامٌ أَدَهُ لِعَفَاتٍ لِقَامٌ أَدَهُ حَسَمَ وَأَصَوْتٌ  
أَدَهُ مُهَبِّجٌ نَأَكُ مُهَارِبُ لِقَامٌ شَمْعُ أَلِ لِقَامٌ أَدَهُ حَسَمَ وَأَصَوْتٌ  
عُتْسَلُ أَلِ هَاوَرٍ عَدَائِي لِقَامٍ لِقَامٌ دَعَبَ نَأَكُ رِي رَجَمَ أَلِ نَأَلُ ثِي دَخَلُ

*Аъмашдан, у Иброҳимдан, у Ҳаммамдан ривоят қилинади:*

**«Жарир бавл қилди. Кейин таҳорат олиб, махсиларига масҳ тортди. Шунда у кишига:**

**«Сен шу ишни қиласанми?» дейилди.**

**«Ҳа! Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бавл қилганларини, кейин таҳорат олиб, махсиларига масҳ тортганларини кўрганман», деди».**

**Иброҳим:**

**«Бу ҳадис уларга жуда ёқар эди, чунки Жарир Моида сураси нозил бўлганидан кейин мусулмон бўлган эди», деди».**

*Олти Имом ривоят қилишган.*

Демак, Моида сурасидаги оят суннат билан собит бўлган махсига масҳ тортишни бекор қилган, деган гап мардуддир.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзлари махсига масҳ тортганлар ва бошқаларга масҳ тортишга кўрсатма ҳам берганлар.

Саҳобаларнинг кўпчилиги бу ишни қилганлар.

Аmmo махсига масх тортиш ҳақидаги мазкур нотўғри фикр кўпчиликни адаштиргани ҳамда у тез-тез қайтадан пайдо бўлиб тургани учун, ҳадис ва фикр китобларида бу масала алоҳида бобда, айри эҳтимом билан баён қилинадиган бўлиб қолган.

Махсига масх тортишга рухсатдан мурод енгиллик яратишдир. Шу билан бирга, унинг яна сувни тежаш, вақтни тежаш, совуқдан ва нопокликдан сақланиш каби фойдалари ҳам бор.

Масх ҳақида келган ривоятлар мутавотир даражасига етай деб қолган. Қирқта ҳадисда масх тортиш борлиги айtilган. Имоми Аъзам раҳматуллоҳи алайҳи: «Масх ҳақидаги ривоятлар қуёшдан ҳам равшан бўлгани учун мен бу ҳукми олганман. Ким масхни жоиз эмас, деса, унинг куфрга кетишидан қўрқаман», деганлар.

*(Давоми бор)*

*«Кифоя» китобидан*